

**“Капиталбанк” АТБда юридик шахслар ва якка
тартибдаги тадбиркорларга комплекс банк хизмати
кўрсатиш тўғрисида Келишувнинг
15-ИЛОВАСИ**

**Якка тартибдаги тадбиркорлар учун “Visa Business Pay” корпоратив пластик
картасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш
ТАРТИБИ**

I. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР:

1.1. Ушбу Тартибда қўйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

VISA International – турли хилдаги тўлов маҳсулотларини (карталарини) эмиссия қилувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи молиявий ташкилотларни ва институтларни ягона савдо белгиси остида ва ягона стандартлар бўйича бирлаштирувчи халқаро ассоциация.

Авторизация сўрови – Картадан фойдаланиб операция ўтказиш учун Банк томонидан бериладиган руҳсат. VISA International Тўлов тизими технологияси асосида бажарилади.

Тўловни қайтариш – Савдо (хизмат кўрсатиш) Корхонаси томонидан Карта хисобварагини кредитлаш учун трансакцияга нисбатан Банк белгилаган шаклда пул маблағларини ҳар қандай қайтариш.

Кўчирма – хисобот даврида Картадан фойдаланиб амалга оширилган Трансакциялар тўғрисида хисобот.

Картани чиқариш - «Капиталбанк» АТБ Бош официда ва/ёки филиаларида амалга ошириладиган карта тайёрлаш.

Бош офис – Тошкент ш., Юнусобод тумани, Сайилгоҳ қўчаси, 7 да жойлашган «Капиталбанк» АТБ Бош офици.

Йўриқнома – ушбу Тартибнинг ажralmas қисми ҳисобланган, VISA халқаро пластик картасидан фойдаланиш бўйича Мижоз учун қўлланмана. Йўриқномаларга риоя қилиш Мижоз учун ҳам, Банк учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

Карта – Банк томонидан Мижознинг номига чиқариладиган, Мижозга МКҲда мавжуд пул маблағларини товарлар/ишлар/хизматларга тўлов қилиш ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган электрон терминал қурилмаларда ёки банкоматларда нақд пул олиш учун тасарруф қилиш имкониятини берадиган “Visa Business Pay” халқаро тўлов пластик картаси.

Овердрафт – Карточкадан фойдаланиб ўтказиладиган харажат операциялари суммасининг Тўлов лимитидан ортиши.

ПИН – Карта хисобварагидан банкоматлар (карталардан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида нақд пул бериш учун автоматлаштирилган қурилмалар) орқали нақд пул олишда ва савдо терминаллари орқали товарлар/хизматлар/ишлар учун тўлов қилишда фойдаланиш учун мўлжалланган шахсий идентификацион рақам.

Тўлов лимити – Мижознинг Карта хисобварагида жойлаштирилган пул маблағлари суммаси.

Савдо (хизмат кўрсатиш) корхонаси – Картани товарлар ва хизматлар учун тўлов сифатида қабул қилувчи ҳар қандай юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

Карта хисобвараги – Мижоз учун Банкда АҚШ долларида очилган, Картадан фойдаланиб амалга оширилган операциялар бўйича ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган маҳсус карта хисобвараги.

Трансакция – товарлар/ишлар/хизматлар ҳақини тўлаш учун Карта ёрдамида амалга ошириладиган ҳар қандай тўлов, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида нақд пул олиш операцияси.

Филиал – Операция бошқармаси (ОПЕРУ) ёки Марказий операция бўлими ёки «Капиталбанк» АТБ филиаллари.

1.2. Ушбу Тартибда фойдаланиладиган атама ва таърифлар Келишувдаги мазмун билан бир хил мазмунга эга.

1.3. Ушбу Тартибда ва/ёки Йўриқномада ва/ёки Келишувда ва/ёки Банкнинг бошқа ҳужжатларида белгиланмаган атама ва тушунчалар “VISA International” ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва Тарафлар ўртасида тузилган бошқа шартномаларда белгиланган мазмунда, иборанинг матнидан келиб чиқиб, уларнинг тўғридан-тўғри маъноси ҳамда шархи бўйича қўлланилади.

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Ушбу Тартиб Карта хисобвараги очиш ва Карта чиқаришга Мижоз томонидан кўлда (коғоз шаклида) ёки ЭРИ билан (IBK тизими бўйича электрон шаклда) имзоланган Аризага (кейинги ўринларда “Ариза” дейилади) асосан Тарафлар учун мажбурий бўлади (кучга киради) ва “Visa Business Pay” корпоратив пластик картасини чиқариш шартларини белгилайди ҳамда Банк томонидан АҚШ долларида чиқарилган “Visa Business Pay” корпоратив пластик карталаридан фойдаланиб ҳисоб-китоблар амалга ошириш бўйича Банк томонидан хизмат кўрсатиш мақсадида Банк ва Мижоз ўртасидаги муносабатларни тартибга солади

2.2. Мазкур Тартиб, Келишув, Банк Тарифлар, шунингдек, Ариза, биргаликда Мижоз ва Банк ўртасида “Visa Business Pay” картасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш Шартномаси (кейинги ўринларда – “Шартнома”) орқали тузилган ҳисобланади.

III. КАРТА ҲИСОБВАРАГИ ОЧИШ ВА КАРТА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

3.1. Мижоз Карта ҳисобвараги очиш ва Карта чиқарилиши учун Банкка Карта ҳисобвараги очиш ва Карта чиқариш тўғрисида лозим даражада тўлдирилган Аризани тақдим қиласи. Карта Банк томонидан Мижоздан Картани чиқариш ҳақида Ариза тушган кундан ва Картани чиқарилганлиги учун Банк Тарифларига асосан воситачилик ҳақи тўланган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичida чиқарилади.

3.2. Мижозга Картани топшириш Карта Филиалга ва/ёки Бош оғисдан Филиалга келган санадан 1 (бир) иш кунида амалга оширилади, Карта Филиалга фельдъегерлик, поча алоқаси, куръерлик хизмати ва бошқа усулларда етказиб берилади. Бунда Картани Бош оғисдан ва/ёки Филиалга ва/ёки Филиалдан бошқа Филиалга етказиб бериш муддатлари ва усуллари фельдъегерлик, поча алоқаси, куръерлик хизмати ёки Картани етказиб беришни амалга оширувчи Учинчи шахслар томонидан мустақил белгиланади.

3.3. Банк Картани чиқаради ва уни ПИН ҳамда Йўриқнома билан бирга Мижозга беради.

3.4. Карта Банкнинг мулки ҳисобланади ва Картанинг амал қилиш даврига Мижозга вактинча фойдаланиш учун берилади. Карта унда кўрсатилган тегишли йилнинг охирги ойигача амал қиласи. Карта муддати тугаши билан, алмаштирилганда ёки Банкнинг талаби билан Банкка қайтариб берилиши шарт.

3.5. Шартнома бўйича чиқариладиган Карта товарлар/ишлар/хизматларга тўлов қилиш учун, банкоматларда ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган нақд пул бериш шахобчаларида (кейинги ўринларда “НПШ”) нақд пул олиш учун ишлатилиши мумкин. Карта ҳисобварагидан тегишли тўлов ҳужжатларига асосан жорий ҳалқарор операциялар (истеъмол товарлари, хизматлар импорти ва х.к.) учун фойдаланилиши мумкин

3.6. Мижоз Карта чиқарилганлиги, Карта ҳисобварагига хизмат кўрсатилганлиги ва Картадан фойдаланиб амалга оширилган операциялар қайта ишланганлиги учун Банкка хизмат кўрсатиш пайтида амалда бўлган Банк Тарифларига асосан воситачилик ҳақи тўлайди.

3.7. Мижознинг Карта ёрдамида амалга оширган трансакциялари суммаси Мижознинг Карта ҳисобварагидан ечиб олинади ва Карта ҳисобвараги бўйича кўчирмаларда акс этади. Картадан фойдаланилганда ҳар бир Трансакциянинг маълумотлари АҚШ долларида акс эттирилади.

3.8. “Visa International” ҳалқаро тўлов тизими талабарини, шунингдек, Карта Банк мулки ҳисобланишини инобатга олган ҳолда:

- Картадан фақат Картанинг юзасида исми кўрсатилган Мижозгина фойдалана олади. Картани фойдаланиш учун учинчи шахсларга бериш таъқиқланади;

- Мижозга Картани ёки унинг реквизитларини ва/ёки ПИНни учинчи шахсларга, шу жумладан, Мижоз билан меҳнат муносабатларида бўлган шахсларга фойдаланиш учун бериш қатъяян таъқиқланади.

3.9. Мижоз маълумот лозим кўринишда келадиган ва “Visa International” тўлов тизими талаблари асосида Картадан фойдаланиб амалга оширилган операциялар учун тўлиқ жавобгар бўлади.

3.10. Мижоз Карта йўқолганилиги тўғрисида ёзма хабар берса, Банк Картанинг йўқолганилиги ҳақида хабар олган пайтдан 24 соат ичida Мижознинг Картаси бўйича барча ҳисоб-китобларни тўхтатади.

3.11. Мижоз Карта ҳисобварагини ёпиш ва Картани қайтариб бериш ҳақидаги ёзма аризага асосан 30 (үттиз) банк куни ўтгандан сўнг Картани Банкка топширганидан кейин Карта ҳисобварагидаги қолдиқни маблагни қайтариш кунидаги курс бўйича ўзининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварагига қайтариши мумкин. Карта ҳисобварагидаги қолдиқни миллий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараққа қайтариш Аризага асосан амалга оширилади.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мижознинг ҳуқуқлари:

а) Картани товарлар/ишлар/хизматларга тўлов қилиш учун, банкоматларда ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган нақд пул бериш шахобчаларида (кейинги ўринларда “НПШ”) нақд пул олиш учун ишлатиш. Картадан ушбу Тартиб, Келишув шартларига, Йўриқномалар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгилangan қоидаларга асосан фойдаланилади;

б) Карта ҳисобвараги қолдиқни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тўлдириш;

в) Карта ҳисобвараги ҳолати ҳақида маълумотни электрон қурилмалар (банкоматлар ва POS терминаллар) воситасида, шунингдек, карта чиқаришга аризада кўрсатилган ва Банк ходими билан телефон мулоқотларида ишлатиладиган паролни айтиб телефон (+998 71 233-33-01) орқали олиш;

г) Ёзма сўров бўйича Карта ҳисобвараги бўйича кўчирма олиш;

д) Ҳақиқийлигига Мижознинг шубҳаси бўлган ва ўзи амалга оширгмаган трансакцияларга нисбатан Банкка эътиroz юбориш. Эътиroz Мижозда шубҳа келтириб чиқарган сабабларни кўрсатган ҳолда ҳамда

Мижознинг шубҳаларини тасқидлайдиган қоғоддаги хужжатларни илова қилган ҳолда Банкка ёзма шаклда юборилади;

е) Картани ва Карта ҳисобварафиги ёпиш тўғрисидаги Ариза Банкка билан мурожаат қилиш. Маблағларни қайтариш ушбу Тартибнинг 3.11 бандига асосан амалга оширилади.

4.2. Банкнинг ҳуқуқлари:

а) Карта ҳисобварафи очиш ва Карта чиқаришга Аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш, ишончсиз маълумотлар бўлганда сабабларини кўрсатмасдан Карта чиқариши рад қилиш;

б) Мижознинг Карта ҳисобварағидан ва талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан воситачилик ҳақини акцептсиз тартибда Банк Тарифларига асососан ечиб олиш

в) Куйидаги ҳолларда исталган пайтда Картани блоклаш:

- бунга Мижоз топшириқ берганда;

- Мижоз томонидан Шартнома ва Йўриқномаларнинг шартлари ва талаблари бузилганда;

- пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклар музлатилганида, ҳисобварақда мавжуд пул маблағларига таъкиқ солинганда ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақ бўйича операциялар тўхтатилганда;

- карта ёки унинг реквизитлари ва/ёки ПИН учинчи шахсларга берилганда;

г) Бир йилда 3 мартадан кўп йўқотилган Картанинг Карта ҳисобварағини ёпиш ва Картани олиб кўйиш;

д) Мижоз томонидан Шартнома шартлари бузилганда ва Картадан фойдаланиш оқибатида Банк асосиз молиявий йўқотишлар хавфи остида қолдирилганда, Банк томонидан тасдиқланган жарима санкцияларини кўллаш ва Картани амал қилиш муддатини тўхтатиш;

е) Мижоз томонидан Карта ёки унинг реквизитлари ва/ёки ПИН учинчи шахсларга берилганда ёки учинчи шахс томонидан Картадан фойдаланиш операция ўтказилганда:

- Банк томонидан жарима суммасини камаймайдиган қолдиқ суммасидан мустақил ушлаб қолиш орқали бир томонлама (суддан ташқари) тартибда камаймайдиган қолдикнинг 50% миқдорида жарима ундириш, бундан Мижознинг хабари бор ва у бунга рози. Шартноманинг ушбу бандида мавжуд бўлган неустойка (жарима) тўғрисидаги Битим мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати билан чегараланмаган;

- Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома жўнатиш орқали Шартномани бажаришдан бир томонлама тўлиқ воз кечиши, бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 382-моддаси, 4-моддасида назарда тутилган оқибатлар кўлланилади. Шартнома Мижоз томонидан мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳақида хабарнома олинган санадан ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳақида хабарнома Келишувнинг “Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари” бўлимида кўрсатилган манзилга ёки Банкка охирги маълум бўлган манзилга жўнатилган вақтдан 3 (учинчи) кунда бир томонлама бекор қилинган ҳисобланади. Жўнатиладиган жойдаги почта алоқаси бўлимининг хатни, телеграммани қабул қиласига ҳақида штемпел кўйиган санаси ёки хабарнома Мижозга шахсан топширилган сана хабарнома жўнатилган сана бўлиб ҳисобланади;

- Банк томонидан мустақил аниқланадиган хавф юқори бўлган мамлакатларда ва/ёки савдо (хизмат кўрсатиш) Корхоналарида Карточкадан фойдаланишни чеклаш;

ё) Карта ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаганда савдо (хизмат кўрсатиш) Корхонасига Авторизация сўровини рад қилиш.

4.3. Мижознинг мажбуриятлари:

а) Картадан Шартнома ва Йўриқномага асосан Карта ҳисобварағидаги қолдиқ пул маблағлари доирасида Картанинг юза кисмida кўрсатилган амал қилиш муддати мобайнида фойдаланиш;

б) ўз ПИНини сир сақлаш, шунингдек, уни Картадан алоҳида сақлаш, Картани ва/ёки ПИНни учинчи шахсларга бермаслик;

в) Картани Банк ваколатли ходимларидан ташқари учинчи шахсларга бермаслик;

г) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, шунингдек, Мижоз Картадан фойдаланадиган мамлакат қонунчилиги билан таъкиқланган товарлар/ишлар/хизматларни сотиб олишни ҳисобга олган ҳолда Картадан қонунга зид максадларда фойдаланмаслик;

д) Банкнинг воситачилик ҳақини Банк Тарифларига асосан тўлаш, шунингдек, Мижоз томонидан Шартномани бузиш билан боғлиқ барча харажатларни тўлаб бериш;

е) Реквизитлари ва манзилининг ўзгарганлиги ҳақида бундай ўзгаришлар бўлгандан кейин 5 (беш) банк куни ичига Банкни хабардор қилиш;

ё) Карта йўқолганда/ўғирланганда/ўзлаштирилганда ёки Карта олиб қўйилганда, шунингдек ПИН учинчи шахсларга маълум бўлганда (бўлиши мумкин бўлганда) ёки Мижозда Карта учинчи шахслар томонидан рухсатсиз фойдаланилаётганлигига шубҳа пайдо бўлганда дарҳол куйида саналган усувлардан бирида Картани блоклаш:

- +99871 233-33-01 телефон раками бўйича Call-марказ орқали;

- Банк Мижозни идентификация қилиш учун Мижоздан унинг шахсий маълумотларини (Ф.И.Ш., тугилган санасини, кодли сўзни ва х.к) ва йўқотилган Карта ҳақида маълумотларни (Карта рақами, Ф.И.Ш., Картани амал қилиш муддати ва х.к), шунингдек, Картани йўқолиш сабабларини сўраши мумкин;

ж) Картани Авторизация сўровисиз тўловга қабул қилиш хукуқига эга савдо (хизмат кўрсатиш) корхоналарида Картадан фойдаланиш натижасида келиб чиқсан овердрафт суммасидаги қарздорликни 10 кун ичида сўндириш;

з) Банкнинг биринчи талаби билан Картани тақдим қилиш.

4.4. Банкнинг мажбуриятлари:

а) Мижознинг карта хисобварагини савдо (хизмат кўрсатиш) Корхоналарида, банкоматларда ёки НПШда Карта ёрдамида амалга оширилган Трансакциялар суммасига дебетлаш;

б) Карта хисобвараги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан нақд пулсиз шаклда тўлдирилганда, шунингдек, савдо (хизмат кўрсатиш) Корхоналари ёзма йўриқномалар ва ортиқча ечиб олинган суммаларни қайтаришга чек тақдим қилганда Мижознинг Карта хисобварагини кредитлаш;

в) Мижознинг ёзма аризасига асосан Карта хисобвараги бўйича кўчирма бериш;

г) Картани Мижознинг ёзма талаби билан блоклаш.

4.5. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва Келишувда назарда тутилган бошқа хукуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тарафлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаганилиги ёки лозим даражада бажармаганилиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Келишув ва ушбу Тартибга асосан жавобгар бўлади.

5.2. Мижоз Банкка Картани йўқолганилиги ҳақида ёзма равища хабар бергандан кейин 24 соат ўтиб Картадан фойдаланиб Авторизация сўрови билан Трансакциялар амалга оширилган бўлса, Банк Мижознинг молиявий йўқотишлари учун жавобгар бўлади.

5.3. Мижоз қўйидагилар учун жавобгар бўлади:

- Мижоз томонидан Шартнома шартлари ва Йўриқномалар бузилган бўлса;

- ПИН бошқа шахсларга берилгани учун;

- ПИНнинг учинчи шахсларга ошкор бўлганлиги ҳақида Банкка ёзма равища хабар берилгунга қадар амалга оширилган ҳар қандай Трансакциялар учун. Бундай хабарномадан 24 соат ўтгандан кейин Картадан бирор бир шахснинг фирибагарлик билан фойдаланганлиги учун Мижознинг жавобгарлиги бекор бўлади, агар, Карта қайта кодлаш учун ёзма Аризадан кечиктирилмасдан Банкка топширилган бўлса;

- Карта йўқотилганда Банкка ёзма хабар берилгунга қадар ўтказилган барча Трансакцилар бўйича;

- Банкка тақдим қилинадиган барча маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун.

5.4. Банк қўйидагилар учун жавобгар бўлмайди:

- Банкнинг назоратидан ташқарида бўлган вазиятлар сабабли ўз мажбуриятларини бажаришнинг имконияти бўлмаса;

- Картадан фойдаланиб сотиб олинган товарлар (хизматлар)нинг сифати учун;

- тури муассаса ва банклар бирор-бир сабаб билан товарлар (хизматлар)га тўловлар қилиш операциясини ўтказиш ва нақд пул маблағларини бериш учун Мижоздан Картани қабул қилишни рад қилганлиги учун;

- бошқа банклар томонидан Картадан фойдаланиб операция ўтказишга лимитлар (чекловлар) ўрнатилганлиги учун, шунингдек, бошқа банклар ёки муассасаларнинг Картадан фойдаланиб амалга оширилган операцияларни рўйхатга олишга мўлжалланган қурилмаларининг блокланиши ва носозлиги Картани шикастланишига ёхуд олиб қўйилишига олиб келган бўлса;

- хорижий давлатдаги валюта чеклови ёки учинчи тарафнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмаларида (банкоматлар/терминаллар) ва нақд пул бериш шахобчаларида Картадан фойдаланиб амалга ошириладиган операцияларга қўйилган лимитлар (чекловлар) Мижознинг манфаатларига дахл қилса;

- Мижоз томонидан Картадан фойдаланиб операция амалга ошириш имконияти йўқлиги оқибатида келиб чиқсан маънавий зарар ва/ёки заарлар учун.

- Мижозга худудий Филиалларга фельдегерлик, почта алоқаси, курьерлик хизмати ва бошқа усулда Картани етказиши муддатлари учун.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома номуайян муддатга тузилади ва Таравлардан бири ўзининг Шартномани бекор қилиш ҳақидаги ниятини Шартномани эҳтимолий бекор қилиниши санасидан 45 календар кун олдин ёзма хабар бергунига ёки ушбу Тартибда келишилган тартибда шартнома Банк томонидан бир томонлама рад қилингунга қадар амал қиласи.

6.2. Шартнома бекор қилингандан Карточкага хизмат кўрсатилганлиги учун ҳар ойлик тўлов, Карта хисобвараги бўйича тўловларни қайта ишлаганлик учун тўлов ва Карта чиқарилганлиги учун тўлов Мижозга қайтариlmайди.

6.3. Шартнома қўйидаги шартларда Мижознинг ташаббусига кўра бекор қилинади:

- Барча Карталар Банк Йўриқномаларига асосан Банкка қайтариб берилганлиги шарти билан Мижознинг ёзма аризасига асосан;

- Мижоз Шартнома бўйича барча мажбуриятларни бажарган бўлса;
- Мижознинг Банк олдида қарздорлиги мавжуд бўлмаса.

6.4. Шартнома билан боғлик низолар тарафлар томонидан музокара йўли билан ўзаро ҳал қилинади.

Низоларни музокара қўли билан ҳал қилишнинг имконияти бўлмаган ҳолларда, низолар Келишувда белгиланган тартибда ҳал этилади.

6.5. Ушбу Тартибда назарда тутилмаган Банк ва Мижоз ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Келишув билан тартибга солинади.